



SCIENCE TIME

“УМАРШАЙХ МИРЗО” РОМАНИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА ЛИРО-РОМАНТИК ТАЛҚИН

ЯКУБОВ ИСЛАМЖОН АХМЕДЖАНОВИЧ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (ТошҶЎТАУ). Филология фанлари доктори (DsC), профессор. E-mail: islamxoja_yakubov@mail.ru

ҚҮЙЛИЕВА ГУЛЧЕХРА НАЗОРҚУЛОВНА

Гулистон давлат университети докторанти (ГулДУ), филология фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD), доцент.

E-mail: kuylieva.g@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алиниңг “Улуғ салтанат” тетрологияси “Умаршайх Мирзо” номли учинчи китоби тарихий ҳақиқат ва лиро-романтик талқин имкониятлариг намоён бўлиши нуқтаи назаридан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: эпопея, ижтимоий-тарихий воқелик, образ, персонаж, ижтимоий конфликт, характерлар динамикаси, синфиийлик, тарихий ҳақиқат, бадиий талқин, туркумлилик, поэтик маҳорат, тарихийлик, тарихий-типологик, аналитик, биографик.

Аннотация: В данной статье исследуется роман «Умаршайх Мирзо» – третья книга тетралогии «Великое королевство» народного писателя Узбекистана Мухаммеда Али с точки зрения проявления исторической правды и возможностей лирико-романтической интерпретации

Ключевые слова: эпос, социально-историческая действительность, образ, персонаж, социальный конфликт, динамика характера, классичность, историческая правда, художественная интерпретация, многотомность, поэтическое мастерство, историчность, историко-типологическое, аналитическое, биографическое.

Abstract: This article examines the novel "Umarshaikh Mirzo" - the third book of the tetralogy "The Great Kingdom" by the People's Writer of Uzbekistan Muhammad Ali from the point of view of the manifestation of historical truth and the possibilities of lyric-romantic interpretation.

Keywords: epic, socio-historical reality, image, character, social conflict, character dynamics, classicism, historical truth, artistic interpretation, multi-volume, poetic mastery, historicity, historical-typological, analytical, biographical.

КИРИШ.

XX аср ўзбек романчилигига илгари ҳам эпопея яратишга уринишлар бўлган эди. Жумладан, ўз асосига қўйилган проблематикаси ва тасвир кўлами жиҳатидан Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Ойбекнинг “Кутлуғ қон”, “Навоий”, Жуманиёз Шариповнинг “Хоразм” романларида эпопеяга хос хусусиятлар кўзга ташланади. Бироқ, собиқ шўролар даври



SCIENCE TIME

миллатимиз ҳаётининг муҳим тарихий босқичларини қаламга олиш, умумхалқ аҳамиятига молик муаммоларни поэтик идрок этишда жаҳон адабиётида мавжуд асарлар (Бу ўринда Вергилийнинг “Энеида”, Тассонинг “Озод қилинганд Иеруссалим”, Вольтернинг “Генриада”, Бальзакнинг “Инсон комедияси”, А.Францнинг “Замонавий тарих”, Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина”, Н.В.Гоголнинг “Ўлик жонлар”, Ф.М.Достоевскийнинг “Ака-ука Карамазовлар”, М.Горькийнинг “Клим Самгиннинг ҳаёти”, М.Шолоховнинг “Тинч дон”, А.Толстойнинг “Улуғ Пётр”) ва бошқа асарлар назарда тутилмоқда – **И.Я; Г.К**) билан беллаша оладиган эпопеялар юзага келишига имкон бермаган эди. Чунки, тоталитар адабий сиёsat тобе халқларнинг қаҳрамонона ўтмиши, миллат фидойиларининг ўз эл-юрти озодлик ва бирдамлик учун курашларини кўламдор бадиий тасвирлашдан манффаатдор эмасди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетрологияси биринчи ва иккинчи китоблари “Жаҳонгир Мирзо” ва “Умаршайх Мирзо” деб номланади [1.; 2.; 14.] Тетрологиянинг “Мироншоҳ Мирзо” номли учинчи китоби 1392-1399 йилларда содир бўлган етти йиллик воқеаларни ўз ичига олади. Романтетралогиянинг “Шоҳруҳ Мирзо” номли тўртинчи китобида 1399 – 1410 йилларда содир бўлган воқеалар қаламга олинган. Хусусан, Ҳиндистоннинг Турон салтанати томонидан забт этилиши; Миср ва Шом юришлари; Амир Темурнинг Ўтрорда вафот этиши ва темурийзодалар ўртасида тожу тахт кураши бошланиши; Хуросон ҳукмдори Шоҳруҳнинг Мавароуннаҳри ўз тасарруфига киритиб, тинчлик ўрнатиши ва ўн беш ёшлик Улуғбекни ҳукмдор сифатида эълон қилишигача бўлган ўн - ўн бир йиллик давр қамраб олинган.

МЕТОДЛАР.

Мақоланинг храктеридан келиб чиқиб, унда: тарихийлик, тарихий-типологик, аналитик ва биографик методлардан фойдаланилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.



SCIENCE TIME

Келтирилган фикр-қарашларни умумлаштириб, айтиш мүмкинки, Мұхаммад Али романнинг учинчи китобини ёзишда “Қуръони Карим”, ҳадиси шариф, Амир Темурнинг “Тузукоти Темур” рисоласи, Муаррихлар Гиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, тасаввуф намоёндалари Нажмиддин Кубро, Ахмад Яссавий, Жалолиддин Румий, ҳамда Фирдавсий асарларига мурожаат қилған. Халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизнинг ҳикоят, ривоят, мактуб, мақол ва ҳикмат сингари жанрлари, саъжлантириш, муболага (гротеск), туш кўриш, илтижо сингари бадиий тасвир воситаларидан баракали фойдаланган. Романнинг умумий ифода тарзida эса халқ эртак, қисса ва достонлари билан бир қаторда, Алишер Навоий ва Захириддин Мұхаммад Бобур асарларининг таъсири ҳам кузатилади.

Шубҳасиз, учинчи китоб ҳам улкан интеллектуал салоҳият, тарихий роман учун ниҳоятда зарур бўлган илмий-адабий кузатишлар, поэтик изланишлар самараси ўлароқ юзага келган. Аммо, назаримизда айнан ўша қатъий ҳисоб-китоблар романнинг айрим ўринларида, қаҳрамонларни эркин ҳаракатланишдан муайян даражада тийиб тургандай, туйғулар қоришиклиги поэтик ифодасига бир қадар соя solaётгандай ҳам таассурот уйғонади. Умуман, “Мироншоҳ Мирзо” романида тетрологиянинг олдинги асарларидаги етакчи услугуб ва поэтик тамойиллар сақланган.

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур саккиз ўғил, тўққиз қиз фарзанд кўрган. Ўғилларидан икки нафари чақалоқлигида, Жаҳоншоҳ Мирзо беш ёшида, Иброҳим Мирзо эса етти ёшлигида қазо қиласидилар. Умуман, тўрт нафар ўғил ва икки нафар қизгина вояга етган. Учинчи китоб бағишиланган Мироншоҳ Мирзо соҳибқироннинг учинчи ўғиллари эди. Гарчан “Мироншоҳ Мирзо” романи 2005-2008 йиллар оралиғида - тўрт йил давомида ёзиб тугалланган бўлса-да, муаллиф уни нашр қиласидилар шошилмади. Ўз-ўзига нисбатан ўта талабчан адаб муҳокама жараёнида ижодкор зиёлилар билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида китобнинг айрим ўринларини қайта ишлади. Ниҳоят, роман 2010 йилда китобхонлар қўлига тегди [2.]



SCIENCE TIME

Шубҳасиз, роман лейтмотиви соҳибқирон Амир Темур сиймоси билан бевосита боғлиқликда очилади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам, асарнинг илк саҳифалари Амир Темур ҳузуридан Усмон Аббоснинг чопар бўлиб келиши воқеаси билан бошланади. Уч йиллик Форс юришига отланган соҳибқирон Бухоро атрофига етганида тасодифан хасталаниб қолади. У қатъиятли шахс сифатида даставвал, дардга унчалик эътибор бермайди. Лашкарнинг руҳини кўтариш мақсадида ўз жонининг оғришига сабр-бардош билан чидайди. Аммо, касаллик зўрайган сари, унинг кўнглига умидсизлик соя ташлай бошлайди. У яқиндагина чегара вилоят Хуросонга жўнатилган Мироншоҳ Мирзодан бошқа барча яқинларини ҳузурига чорлайди. Фарзандлар, неваралар ва маликалар таҳлика ҳамда саросима ичида Бухорога етиб боришади. Демак, соҳибқирон романнинг илк саҳифалариданоқ, бизнинг қўз ўнгимизда умр бевафо ва дунё бебақолигини англаган бир мўмин ва мамлакат хавфсизлигини ўйлаган сиёсий арбоб сифатида намоён бўлади.

Валиаҳд Муҳаммад Султонни бағрига босар экан, беморнинг дармонсиз вужуди кувват олгандай, юзига ҳолсиз табассум балқииди. Бошини Сароймулк хоним меҳр-ла силаганида, у таниш ва меҳрибон қўл тафтини сезади, инсоний самимиятдан чехраси ёришади. Табибларнинг саъй-ҳаракатлари, атрофида яқинларининг қайноқ меҳри ва ҳамдардлигини ҳис этган соҳибқирон қалбида умид учқунлари йилтиллайди. Оллоҳ ва азиз авлиёларни паноҳ тутиб, хайру-эҳсонга қўл очар экан, садақа улашишдай кувончли ва серзавқ юмуш ҳам шифо йўлини очишга восита бўлганлигига ишонади. Бу билан ёзувчи унинг қалбидаги қоим эътиқодни қувватлантирган манбаларга ургу беради. Ўз фикрларини Қуръони Каримдан келтирилган парча: “Музтар-ночорлар дуо-илтижо айлаганларида ижобат қилгувчи ким?” ояти билан тасдиқлайди [2. 53.] Умуман эса, адид ўз қарашларини тарихий мантиқ, замон ва макон фалсафасига таяниб асослайди. Тарихий шахслар тақдирига ёндошишда инсонга тақдир этилган тарих ҳақиқати улуғвордир, деган концепциядан келиб чиқади.



SCIENCE TIME

Соҳибқирон Амир Темур аслида болалик йилларидаёқ ақли теран, шижаатли ва довюрак йигит сифатида улуғ ниятлар билан яшайди. Шу боис ҳам у ўзини вазмин тутиши, жўяли фикрлаши билан тенгқурлари орасида алоҳида ажralиб турди. Болалик йилларидаёқ кўнглида соф ва покиза орзулар, гўзал туйғулар уйғона бошлайди. Сўзида сабит инсон сифатида улғаяр экан, ўзининг болалиқдаги дўстларини унутмайди. Уларга садоқат ва кечиримлилик назари билан қарайди. Бемор бўлишига қарамасдан, Чин муаммолари, Тўхтамишхон ва Жўжи улуси масалалари, фарзандлар, набиралар ва эл-улус тақдирни ҳақида теран ўй-хаёлларга ғарқ бўлади.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, Амир Темур неча бор муросага чақириб, бошини силашига қарамай, яна кўрнамаклик йўлини тутган Тўхтамишхон образи бир жиҳатдан соҳибқирон тимсолига қиёсан, иккинчи томондан эса, қаҳрамоннинг хаёлий кураши фонида очилади [2. 292.] У ички туйғу билан Амир Темурдаги қуч-қудрат ва иқтидорни тан олади. Аммо буни ошкора эътироф этмайди. Аччиқ ҳақиқатлардан сабоқ чиқаришдан кўра ўз иззат-нафси ва ўринсиз иддаоларига эргашган сари ғазаб отига мина боради. Шу боисдан ҳам аламзадалик билан иш кўриб, хийла-найранг йўлини тутади. Айнан анашу тутумнинг ўзидаёқ, Тўхтамишхоннинг очиқ-ошкор курашдан ҳайиқиши, улуғ салтанат бунёдкори соҳибқироннинг эса муросасозлик тутуми намоён бўлади.

Буюк ипак йўлини қўлда сақлаб, тижоратни ривожлантириш Амир Темур бунёд этган Турон салтанатининг улуғ мақсадларидан бири эди. Зотан музafferий ҳукмдорларнинг ўзаро тахт талашларига барҳам берилса, савдо ишларини тўғри йўлга қўйиш имкони туғиларди. Шу мақсадда Шоҳ Шужоъ оиласи билан қуда-андачилик ришталарини ўрнатишга интилади. Таассуфки, бағритош ва ноқобил музafferий шаҳзодалар Шоҳ Шужоъ ва укаси Шоҳ Маҳмуд ўртасидаги низолар ва нафс илинжиидаги эврилишлар падари бузрукворлари бўлмиш Амир Муборизиддин Муҳаммаднинг қўзларига мил



SCIENCE TIME

тортишу зинданбанд қилиб ўлдириб юбориш, онаси Зайнаб Хотуннинг ажалидан олдин оламдан кўз юмушига сабаб бўлади.

Муаррих Ғиёсiddин Алиниң “Рўзномаи ғазавоти Ҳиндистон” каби мўътабар асарида келтирилган тарихий маълумотларга таянган Муҳаммад Али Шоҳ Шужоънинг ўлим тўшагида ётган қудаси - Табриз ҳокими Султон Увайс устига черик тортиб бориши, ҳатто пушти камаридан бўлган ўғли йигирма тўрт яшар Мужоҳиддин Шиблининг кўзларига мил торттириши каби беоқибат ва беномус қилиқларини надомат билан тасвирга олади. Дунёга хирс қўйган падаркуш ҳукмдор - очофатлик дардига йўликиб фожиали тарзда вафот этган, ожиз ва нотавон кимса Шоҳ Шужоъ образи китобхонда ачиниш ва нафрат туйғуларини уйғотади. Айни пайтда кўнгил даргоҳи кенг соҳибқирон Амир Темурнинг Хурросон, Форс, Ироқи Ажам, Озарбайжон сарҳадларига уч йиллик юриш қилиши тарихий зарурият эканлиги мантиқан асосланади.

Романда соҳибқирон Амир Темурнинг беш йиллик юриш қилиши ҳам тарихий вазият талаби асосида далилланади. Шубҳасиз, мамлакат бесаранжомлик ва нотинчлик пардасига чулғонишига бир томондан музafferийлар ўртасида ноаҳилик сабабчи, албатта. Бироқ, ёзувчи тарихни ҳаққоний ва холис позициядан ёндошиб баҳолар экан, зинҳор музafferий шаҳзодаларни ёппасига қоралаш йўлидан бормайди. Жумладан, онаизор сўзини мўътабар санаб, Язд шаҳри қамалини бекор қилган Шоҳ Мансур образи алоҳида эҳтиром билан чизилади. Ўз юрти тузини оқлаган ботирнинг сотқин амирлари томонидан ўлдирилиши воқеаси Амир Темурни бефарқ қолдирмайди. Соҳибқирон Шоҳ Мансур лошини иззат-икром билан дағн этиш ва хоинни аёвсиз жазолашга буйруқ беради. Соҳибқироннинг бундай бағрикенглик ва инсоний самимиятга йўғрилган гўзал қирралари ҳаққоний тасвирини ўз сардори Тўхтамишхонга садоқат билан хизмат қилган жасур Айбож ўғлоннинг кейинчалик Амир Темурнинг ишончли навкарига айланиши ёхуд вафосизлик қилган Жатмоқ нўённинг ўлимга ҳукм этилиши



SCIENCE TIME

сингари ўринларда ҳам кузатиш мумкин. Мархұм ота-онасини әслаганида Сохибқирон Амир Темур күнгли түлқинланиб кетади. У азиз инсонларини соғиниб ўртанади. Бундай ўринларда биз уни оддий ва содда бир одам, айни пайтда донишманд инсон сифатида күрамиз. Зотан у падари бузруквори ва онаизори хотирасини эъзозлаб элнинг дуосини олади, азиз пирларига атаб мақбаралар курдиради, бева-бечораларга инъом-эҳсонлар улашади. Чунки Амир Темур авлиёларни азиз пирлар санаши ҳамда бунёдкорлик ишлари валиаҳд шаҳзодага ибрат бўлишини тилайди. Шунинг учун ҳам, Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилиш баҳонасида янги мақбара бунёд қилдиради. Бинобарин, у салтанат сарҳадларида ўзи бошлаган эзгу ишларнинг келажак насллар томонидан муттасил давом этишини истайди.

Мұхаммад Султон қиёфасида Турун салтанатини янада яшнатиб, миллатни камолга етказувчи, ўзи бошлаган эзгу ишларнинг муносиб давомчиси бўлмиш шаҳзодани кўрган, уни уйлантириш ниятини кўнглига туккан лаҳзаларда сохибқирон Амир Темур ғоятда руҳи яшнаган ҳолатда чизилади. “Ҳали биздан кейин Турун салтанатини олам-жаҳонга кўз-кўз қиласурғон, миллатни камолга етказадурғон, киндик қони тўкилғон тупроқ шаънини бош узра тутадурғон валломатдир бу!... Бошқа фарзандларимни асло камситмайдурмен, аммо менинг баҳтимни, иншоллоҳ, Мұхаммад Султон бирла бермишдур! Турун мамлакати жаҳонда барқарор бўлгай, салтанатлар уни тан олгай! Биз қилмағон ишларни шаҳзода Мұхаммад Султон поёнига етказгай! Халлоқи безаволга салламно!...” [2. 211.] Кўринадики, сохибқирон юртни Оллоҳнинг мулки деб билади. Ўзи бунёд этган салтанат донғи келажакда ҳам олам-жаҳонга машҳур бўлиши, шу муқаддас замин шаънини сарбаланд қилувчи валломатларга боғлиқ эканлигини теран англайди. Бошқа фарзандларини зинҳор камситмаган ҳолда, улар орасида табиий-инсоний фазилатлари жиҳатидан алоҳида ажralиб турувчи - валиаҳд шаҳзода Мұхаммад Султоннинг салтанатни ҳамиша ақл-идрок, фаросат ва инсоф билан бошқаришини боболик ғурури,



SCIENCE TIME

Туронзамин бошқарувида улқан тажрибага эга бўлган ҳукмдорлик умиди ва ишончи билан англайди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг араби саман от зотдорлигини нозик ажрата олиши романда шундай тасвирланади: “Аввало отнинг бўйни узун бўлади. Танасининг айрим жойлари гоҳ охуга, гоҳ тозига, гоҳ кийикка, туюқуш, товушқон, туя, бўри, тулкига ўхшайди. Охуга ўхшашлиги – болдири суякларининг узунлиги, пайларининг чайир ва бақувватлиги, сағрисининг бўлиқлиги, кўзларининг катта-кattалиги ва қоралиги. Жағининг кенг, ўмганининг кучли, тилининг эса узунлиги – тозидан, туёқларининг нозиклиги - товушқондан, чопогонлиги - бўридан, йўрғалиги – тулкидан...” [2. 223]

Юқорида танишганимиздай, тасвир жараёнида адаб уни моҳир синчи сифатида ҳам ифода эта олади. Зотан, соҳибқирон ўзи танлайдиган отнинг насли тозалиги бўйни ва болдири суяклари узун, пайлари чайир ва бақувват, сағриси бўлиқ, кўзлари ўткир, жағи кенг, ўмгани кучли, туёқлари нозик ва чопогон, кишинашида ўзига хос самимий эркаланиш хислатлари сезилиб туришига алоҳида дикқат қаратади. Бундай тасвирлар муайян жиҳатлари билан романнинг дастлабки китобларидаги Хонўғлон образини янада тўлдиради. Агар биз халқ қаҳрамони Гўрўғли Султоннинг “отдир йигитнинг йўлдоши”,-деган машҳур иборасига асосланиб фикр юритсак, соҳибқироннинг ўз “йўлдош”ларини танлаш тамойилларини ҳам янада конкретлаштириш мумкин бўлади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг улуғ мақсадлари юрт тинчлиги, эл баҳти, миллат ғурурини юксалтириш, наинки мамлакат, балки жаҳон ободлигини таъминлашдан иборат. Бунинг учун салтанатда адолат устувор бўлмоғи, инсоният фикри мусаффо, кўнгли пок, самимияти холис, ўз нафсидан баланд ва фидойи бўлмоғи зарур. Демак соҳибқирон аслида, жангу-муҳорабаларга қарши. Бироқ, айни пайтда, чорасиз қолган лаҳзаларида юзага келган муаммоларни қилич қудрати билан ҳал этишга ҳам мажбур. Урушларда



SCIENCE TIME

мардлик ва жасорат кўрсатишига қодир бўлса-да, Турон Султони доим ўз қаҳру-газабини жиловлай олади. Чунки у вайрон қилувчи эмас, балки обод этувчи хукмдордир. Шу боис соҳибқирон келгуси наслларгина эмас, тонгла қиёмат кунида парвардигор олдида ҳам, улкан бурчдор эканлигини теран англайди. Бевафо дунёни тўғри изга солишга астойдил бел боғлаганига қарамай, кўнгил тилаклари рўёби учун замон талотўмлари ҳамиша ҳам имкон бермагани, бунёдкорликни ҳоҳлагани ҳолда, баъзан вайрон қилишга ҳам мажбур бўлганидан беҳад афсус чекади. Бир умр инсониятни ёмон хулқлар ва иллат-гуноҳлардан фориғ қилиб, хайрли амалларга, камолотга чорлаб келгани, оламни осойишталик либосига чулғаш, инсон зотига фароғат улашишига интилганидан кўнгли таскин топади. Жаҳонни идора этмакни Оллоҳ кўнглига солган Амир Темур ҳақ йўлдан озганларни ноўрин ғуур ва кибру-ҳаводан халос этмоқни тилайди. Аммо ҳамон дунё бекарор... Дарҳақиқат, фоний дунёнинг турфа саволларига жавоб излар экан, Турон Султони босиб ўтган йўлларини сарҳисоб қилиб, ўз кўнглига таскин бергулик сабаблар топишга, руҳан хотиржам бўлишга уринади.

Таассуфки, у қанчалик шаън-шавкату шукуҳга, куч-қудрату салтанатга эга бўлмасин, барибир, бандасининг дasti қисқа эканлигини эътироф этишига мажбур. У Муҳаммад Чоруга додхоҳга қаратади: “Мен ҳам бир бандадурмен, билдингму? Не-не мамлакатларни тасхир этғон эрсам ҳам, дasti узун, қудрати чексиз, аммо ўз фарзандини баҳтли қила олишга қурби келмағон бир шўрлиқмен халос! Шўрлиқмен! Билдингму? Худонинг бир ногирону афтода бандаси”,- дейди [2. 231.] Бу фикрларни зинҳор соҳибқироннинг Яратган олдидаги ношукурлиги деб тушунмаслик лозим. Чунки унинг қалбида теран бир шукроналик туйғуси мужассам. Соҳибқирон умр бўйи жисми-жони озурда бўлган, жаҳонни ўз илгига тутгани ҳолда, ўзи кимсанинг ёрдамига эҳтиёжманд бир одам эканлигини теран англайди. Зотан, Оллоҳнинг қудрати шунчалар бекиёски,adolat туғи айнан унинг дастида, таҳт эса ўша ногирон кимсанинг оёқлари остида. Парвардигор жумлаи жаҳоннигина эмас, балки ўз



SCIENCE TIME

бандаларини ҳам унинг қошида ҳозири-муҳайё этган. Турфа мамлакатларгина эмас, балки не-не ҳукмдору пахлавонлар ҳам унинг фармони олийсига мунтазир. Ахир бу Яратганинг ўз бандасини аизу мукаррам этганлиги, улуг мартабаларга лойиқ кўрганлигининг ёрқин белгиси эмасми?

Дарҳақиқат, романда тасвиirlанган соҳибқирон образи оламларни яратган қудратли зотнинг инояти юксаклиги, карами кенглигига иймон келтирган буюк эътиқод кишиси. Оллоҳ томонидан аизу мукаррам этилган ҳукмдор, ўз-ўзини тафтиш этувчи кўнгил кишисидир. Шунинг учун ҳам у ўзини зарранинг заррасидан-да кичик туйиб, Яратганга илтижо қиласди. Айниқса, сирдош мулозими Муҳаммад Чуроға додҳоҳ билан бўлиб ўтган сухбат асносида биз Амир Темур кексайган сари қўнгли юмшаб, уни зукколик, донишмандлик фазилатлари безаб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Айни пайтда, юрт султонининг-да эрки ўз қўлида эмаслиги, давр талаблари ва вазият тақозоси етовида ҳаракатланишга мажбур эканлигини англаймиз. Зотан, дунё қафасига қамалган бу “занжирбанд арслон” кўнгли Самарқанду Кеш боғларини соғингани ҳолда, Турон сари эмас, балки Бағдод томон юришга мажбур.

Жаҳонгир Мирзодан сўнг суюкли шаҳзода мартабасига эришган Умаршайх Мирзодан Амир Темурнинг умидлари бисёр эди. Аммо “мерғанларнинг мерғани овлаб кетган қарчифай” тақдири соҳибқирон кўнглини жунбушга келтиради. Фарзанд доғидан ўртанганд юрак ҳоврини зўрға босиб, лашкарга сир бой бермасликка интилаётган соҳибқироннинг бардоши ўқсик неваралар дийдаи гирёни олдида тугайди. Ички дардлари ўтли хўрсиник бўлиб ташқарига отилади. Лашкар кўзидан пинҳон ўз чодирига кирганида эса, бутун вужудини тўлдириб келган ғам-ғусса ларзакор ўкирикка айланади. Бундай кечинма-ҳолатларни адид шундай ифода этади: “Соҳибқирон оҳиста ортига ўгирилди, кўзларига тўлиб, ана тўкиламан, мана тўкиламан, деб турган ёшлар энди унга бўйсунмай қўйишиди. У ҳеч кимга



SCIENCE TIME

боқмай, шоҳходирга кирди... Лаҳза ўтмай, бир марта ўқраган овоз эшитилди. Чамаси борлик-вужудини тўлдириб юборган ғусса отилиб чиққанди” [2. 277.]

Мұхими шундаки, Амир Темур ташвишу мусибатларни бири кам дунёning тутумигина әмас, балки Тангрининг ўз севикли бандасига йўллаган навбатдаги синови деб билиб, шукр қиласи. Оллоҳ қаломи - Куръони Каримга таяниб ўз қўнглига таскин топади. Дарҳақиқат, чархи дуннинг айланиши абадий эканки, орадан икки ойча ўтмасдан, Наврўз арафасида соҳибқирон хонадонида Гавҳаршодбегимнинг ўғли Улуғбек дунёга келади. Ғам-гуссалар ариб, шодон қунлар бошланади.

Адид романда тасвирланган давр колоритини бериш учун ўрта асрларда фаол қўлланилган ва ҳозирда нисбатан кам ишлатилувчи талай сўз ва иборалар, ҳарбий анжомлар, жанг усуллари ва географик номларнинг арабча, форсча, мўғулча, грекча ва эски ўзбек тилидаги эквивалентларини қўллайди. Мазкур ҳол замондош китобхон учун муайян қийинчиликлар туғдиришини сезган ёзувчи улар қўлланилган ҳар бир саҳифада атамаларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги изоҳини бериб боради. Натижада, романнинг ўқилишини бир қадар осонлаштиришга муваффақ бўлади. Худди шундай ҳолни ҳижрий йил ҳисобларининг мелодий изоҳлари келтирилган, айрим тарихий асарларга ҳаволалар бериш орқали илмий аниқлик таъминланган ўринларда ҳам кузатиш мумкин. Назаримизда, бундай йўл тутиш орқали муаллиф китобхонни ортиқча зўриқишдан асраш баробарида, бадиий замон ва маконни конкретлаштиришга, демакки романда содир бўлаётган у ёхуд бу тарихий воқеликка бўлган ишончни янада мустаҳкамлашга ҳам эришади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Али, Мұхаммад. Жаҳонгир Мирзо. Тарихий роман. Биринчи китоб. “ШАРҚ” НМАК Бош таҳририяти, -Тошкент: 2003.
2. Али, Мұхаммад. Улуғ салтанат. Тетрология. Учинчи китоб. Мироншоҳ Мирзо. “SHARQ” НМАК Бош таҳририяти.-Тошкент.: 2010.
3. Али, Мұхаммад. “Улуғ салтанат” – (Шоҳруҳ Мирзо) 4- китоб. “Наврўз” -Тошкент: 2019. 509 б



SCIENCE TIME

4. Али, Мұхаммад. “Улуг салтанат” – (Жаҳонгир Мирзо) 1-китоб. “Наврӯз” Тошкент: 2019. 414 б
5. Али, Мұхаммад. “Улуг салтанат” – (Мироншоҳ Мирзо) 2-китоб. “Наврӯз” Тошкент: 2019. 396 б
6. Али, Мұхаммад. “Улуг салтанат” – (Умаршайх Мирзо) 3-китоб. “Наврӯз” Тошкент: 2019. 462 б
7. Али, Мұхаммад. Танланган асарлар 1- жилд. Сарбадорлар. Романдиология. Тошкент: Шарқ, 2011. -505 б.
8. Амир Темур. Темур тузуклари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. -183 б.
9. Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996;
10. Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Т., 1992;
11. Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. Т., 1991.
12. Шарафуддин Али Яздий Зафарнома. Сўзбоши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. Т.: “Шарқ” НМКБТ, 1997.
13. Дониярова Ш.Истиқлол даври ўзбек романларида миллий рух ва қаҳрамон муаммоси. ф.ф.н.дис. Автореф.. –Тошкент, 2012. –42 б ;
14. Ёқубов И.А. Мұхаммад Али ижодида тарихий жараён концепцияси ва лиро-романтик талқин. Монография. –Т.: “Фан”, 2007
15. Yakubova S. The issue of «way» in cholpon's poetry. ISJ Theoretical & Applied Science. . 2023. 02 (118), 490-492
16. Yakubov I. "Boburnoma" tarixiy-memuarida Alisher Navoiy vasfi // Zahiriddin Muhammad Boburning jahon ilm-fani, madaniyati taraqqiyotidagi o'rni va ahamiyati. Xalqaro ilmiy anjuman materiallari.- Farg'ona - 2023. – B. 50-58
17. Yakubov I. "Modern" o'zbek romanlarida majoziy va xayoliy-parodoksal ifoda. / FarDU. Ilmiy xabarlar - № 1, 2023. - B. 368-373
18. Yakubov, I. Artistic interpretation of the drama of moral and spiritual problems in the tragedy "Romeo and Juliet". ISJ Theoretical & Applied Science. . 2023. 02 (118), 517-520
19. Каримов Н.Ф. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси: ф.ф.д.дис. автореф.– Тошкент, 1993, -46 б.
20. Matyakubova T.R. Poetic character and its specific features // Theoretical & Applied Science. – Marseille, 2015. pp. 40-43
21. Matyoqubova T. Shoirona tafakkur ufqi kengliklari // Zahiriddin Muhammad Boburning jahon ilm-fani, madaniyati taraqqiyotidagi o'rni va ahamiyati. Xalqaro ilmiy anjuman materiallari.- Farg'ona - 2023. – B. 392 - 398
22. Matyoqubova T. Tuyg'u va kechinmani kitobxonga “yuqtirish” mahorati / FarDU. Ilmiy xabarlar - № 1, 2023. - B. 394-399



SCIENCE TIME

23. Matyokubova T., & Yakubov I. (2020). Laboratory works of Gafur Gulam: poetic image and imagery. Journal of critical reviews, № 7, pp. 28-37.
24. Matyokubova T. Poetic imagery of nature // Theoretical & Applied Science, 2023. 02 (118), 521-524
25. Юсупова Г. Ҳозирги ўзбек романларида Амир Темур ва темурийлар образининг бадиий талқини. ф.ф.н.дис. автореф.. –Тошкент, 2005.
26. Яхшиева З. Мұхаммад Алининг “Улұғ салтанат” тетралогиясида тарихий воқелик ва унинг бадиий ифодаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси (PhD). Қарши, 2021. 140 б.
27. Ташанов, К. Ю. (2023). БАДИЙ АСАРДА НУТҚ ВА ШЕЪРИЙ СЎЗНИНГ ИККИ ХИЛ ОБРАЗЛИЛИГИ. SCIENCE TIME JOURNAL, 1(1), 32-43.